# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 20 апрель, № 76 (5750) Шанба


**Янгиликлар, воқеалар,**

## *хабарлар*

*Тошкент вилоятидаги енгил саноат корхоналарининг салкам 150 тасида ички ва ташқи бозорга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.*

### Табиий толали матолардан тикилган

Яқинда Ўрта Чирчиқ туманида иш бошлаган "Mighty-Tiger" қўшма корхонаси — ана шулардан бири. Россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу корхона нуфузли хорижий фирмаларнинг тикув ва тўқимачилик дастгоҳлари билан жиҳозланган. Бу ерда меҳнат қилаётган 180 нафарга яқин чеварлар ўн ёшгача бўлган болажонлар учун турли андоза ва дизайндаги бежирим либослар тикмоқда. Корхонада табиий толали матолардан ойига 300 минг донагача кийим-кечак тайёрлаш имконияти мавжуд.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Таъми ва таркиби ўзгармайди

*Ғиждувон туманидаги "Диёрбек, Гулноза, Муштарий" хусусий корхонасида сут маҳсулотларини бежирим идишларга қадоқлаш йўлга қўйилди. Бунда корхонага ажратилган 180 миллион сўмлик банк кредити қўл келди.*

— Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизда ўтган йили банк кредити эвазига сутни қайта ишлаш технологияси харид қилиниб, ишга туширилган эди, — дейди лойиҳа ташаббускори Нурали Сайфиев. — Кутганимиздек, янги технологиянинг афзал жиҳатлари намоён бўлди. Хом ашё қайта ишланганда, унинг табиий таркиби ва таъми ўзгармади. Шу боис ички бозорда маҳсулотимиз тезда харидорлар эътиборига тушди.

Айни пайтда корхонада 15 турдан зиёд маҳсулотлар тайёрланаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Меҳнат ярмаркаси

*Тўрақўрғон тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасини ҳудуддаги "Ҳадича ая" фермер хўжалигининг дала шийпонида ўтказди.*

Унга тумандаги касб-ҳунар коллежларининг 1670 нафар битирувчиси таклиф этилди.

Тадбирда 210 та корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари ўзларидаги мавжуд 625 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Иштирокчилар бу ерда ташкил этилган кўргазма орқали тавсия этилаётган меҳнат ўринлари ҳақида батафсил маълумот олиб, бўлажак иш жойларини танлашди. Пировардида мутахассислик дипломини олиш арафасида турган 165 нафар битирувчи ўзи танлаган касб бўйича хўжалик юритувчи субъектлар билан уч томонлама шартнома имзолади. 138 нафар фуқарога эса ишга жойлашиши учун йўлланма берилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Харидоргир маҳсулотлар

*Шаҳрихон шаҳрида ташкил этилган "Шаҳрихон нотўқима" масъулияти чекланган жамияти жамоаси бозорда ўз маҳсулотлари харидоргирлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.*

Бунда корхонага ўрнатилган илғор технологиялар ҳамда ишга қабул қилинган 25 нафар ёш мутахассиснинг билим ва малакаси қўл келмоқда.

Хусусан, улар томонидан қисқа фурсатда тайёрланган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар — 481,1 тонна калава ип, 344,4 тонна дока ҳамда 2360,4 минг квадрат метр ҳажмдаги нотўқима матолар буюртмачиларга етказиб берилди.

Умуман, туманда ўтган йили 164 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 2818 тага етди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Лойиҳалар муваффақияти

*Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида саноат салоҳиятини юксалтириш ҳудудий дастурига мувофиқ, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган 24 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди.*

Жумладан, тадбиркор Елубой Ешниязов саъй-ҳаракати билан Кегейли туманида "Кегейли эшиклари" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилиши билан ўн нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

— Банк кредити ҳамда ўзимизнинг 100 миллион сўм маблағимиз эвазига хориждан компьютерлаштирилган замонавий дастгоҳларни келтириб ўрнатдик, — дейди тадбиркор. — Улар йилига 2500 дона эшик тайёрлаш қувватига эга. Шу кунгача 250 миллион сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга етказиб бердик.

Айни пайтда изланувчан тадбиркор эшикка нақш солувчи янги технологияни ўзлаштириш ҳаракатида. Бу эса келгусида ўнта қўшимча иш ўрни яратиш имконини беради.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИДАН ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ»

*16-17 апрель кунлари мамлакатимизда "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференция юқори даражада ўтказилди. Унинг иштирокчилари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда бошқа тузилмалар вакиллари, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва етакчи мутахассислари Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқларни, аҳоли турмуш тарзи сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва уларнинг самараларига юксак баҳо бердилар. Қўлга киритилган ютуқлар, орттирилган тажрибалар ўрганишга, намуна қилиб кўрсатишга арзигулик эканини алоҳида эътироф этдилар. Мухбирларимиз улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.*

## ЭЪТИРОФ

**Диего Грасия ГАРСИЯ-МИГЕЛЬ, «GPW Architects & Consultants» компанияси бош менежери (Испания):**

— Президент Ислом Каримовнинг халқаро конференциядаги нутқи менда жуда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда аҳоли, хусусан, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш, улар учун замонавий уй-жойлар барпо этиб, шаҳарникидан қолишмайдиган шарт-шароитларни яратиб бериш борасида тўпланган тажриба, ўйлайманки, нуфузли форумнинг ҳар бир иштирокчисида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Биз жойларда бўлиб, намунавий лойиҳалар асосида қурилган тураржойларни кўрганимизда, уларнинг соҳиблари билан суҳбатлашганимиздаёқ, ушбу эзгу ташаббус, ҳақиқатан ҳам, ибрат олишга арзийди, деган фикрга келгандик. Гап шундаки, янги массивларда ҳар бир жиҳат алоҳида эътиборга олинган: уйларнинг хоналари кенг ва ёруғ, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган, машина учун гараж, ер майдони мавжуд. Ҳудудда зарур ижтимоий инфратузилма яратилгани, жумладан, мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пункти, маҳалла идораси, спорт майдончалари, савдо марказлари, гузарлар бунёд этилгани эса аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиши, шубҳасиз. Бундай кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларига боқиб, Ўзбекистоннинг бугунги иқтисодий салоҳияти нақадар юксак эканига ишонч ҳосил қилади, киши.

Фуқароларнинг банклар томонидан ажратиладиган кредит ҳисобига уй сотиб олиш имкониятига эга экани, чиндан ҳам, улар учун жуда катта мададдир. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги шароитда, ҳатто, ривожланган давлатларда ҳам бундай қулайликни яратиш анча мушкул бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда).

## ДУНЁ НИГОҲИ

*Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлгани каби Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти масаласига тез-тез мурожаат қилмоқда. Яқинда "Sarkaritel" ахборот-таҳлил порталида юртимизда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Обод турмуш йили" Давлат дастури мавзуига бағишланган "Халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган дастур" сарлавҳали мақола эълон қилинди.*

### «Sarkaritel» «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳақида

Унда аҳоли фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтириб бориш, ёшларни иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни янада ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига давлат томонидан аниқ мақсадга йўналтирилган ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг муҳим йўналишлари эканлиги алоҳида қайд этилади.

"Sarkaritel" республикамизда меҳнат бозорини тажрибали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари ва иқтисодиёт субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли ишларни юқори баҳолайди. Мақолада ёзилишича, "Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2012 йили коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчининг бандлиги таъминланиб, уларнинг аксарияти ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашдилар.

(Давоми 2-бетда).

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

# КОЛЛЕЖ ВА КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

**ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда**



*Бугунги кун ёшлари замонавий асбоб-ускуналар, техник жиҳозларга эга лицей ва коллежларда чуқур билим олиш билан бир қаторда, касб-ҳунар сирларини ўрганиб, мустақил ҳаётга қадам ташламоқда.*

Бу борада, айниқса, "коллеж — корхона" ҳамкорлиги йўлга қўйилгани кутилган натижани бераяпти. Хусусан, 2011/2012 ўқув йилида Самарқанд вилоятидаги 154 та касб-ҳунар коллежини 60 минг 856 нафар ўқувчи битирди. Уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида вилоятдаги корхоналар, ташкилотлар, фермер хўжаликлари ўртасида кичик мутахассисларга бўлган талаб, тўланадиган ойлик маош ва ишга қабул қилиш муддати назарда тутилган буюртмалар олинди. Шу асосда 40 минг 562 нафар битирувчининг ота-онасига фарзандларининг кафолатли иш билан таъминланганлиги ҳақида сертификат берилди. Бундан ташқари, битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун вилоятдаги тижорат банклари томонидан 725 нафар йигит-қизга 3,5 миллиард сўмдан кўпроқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

## ТАДБИР

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди.*

### ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ — ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

Унда қўмитанинг "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, бандликни таъминлашдаги иштироки ва галдаги вазифалари муҳокама этилди.

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси, ҳаёт сифатини янада ошириш, оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш муҳим йўналиш сифатида белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

### Мустаҳкам алоқалар, амалий натижалар

*Пойтахтимиздаги "Ko'rgazmasavdo markazi" мажмуасида Тошкент ҳудудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иш бошлади.*

У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 февралдаги "2013 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 29 октябрь — 2 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, мазкур саноат форумига Президентимиз ташаббуси билан асос солинган бўлиб, у ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада кенгайтириш, хорижлик ҳамкорлар топиш орқали ҳудудларда саноатни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Чунки иштирокчи корхона ва ташкилотлар нафақат ўз маҳсулотларини намойиш қилиш, балки замонавий инновациялар, ишлаб чиқариш янгиликлари, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида эришилган ютуқлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

### ПОЕЗДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАРАЖАТИ КАМАЙТИРИЛДИ

**2012 йилда мамлакатимизда темир йўл поездларидан фойдаланиш харажатлари**

**20 фоизга камайтирилди.**

Темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ҳамда темир йўл тармоқларини электрлаштириш бўйича белгиланган лойиҳалар изчиллик билан амалга оширилиши ана шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИДАН ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки молия муассасаларининг аҳволи танг, одамларда тўлов қобилияти сусайган. Аслида, бундан олдин ҳам кўплаб мамлакатларда аҳоли узоқ йиллар мобайнида ижара асосида яшашга мажбур эди. Ўз уйига эга бўлиш орзуси эса орзулигича қолмоқда.

Ана шуларни Ўзбекистондаги ҳолат билан таққослар эканман, мамлакатингиз танлаган миллий тараққиёт йўли нақадар пухта ва асосли эканига қайта ва қайта иқрор бўлдим.

**Каролин БАСТИАНС, Фландрия парламенти депутати, Антверпен шаҳри мэри маслаҳатчиси (Бельгия):**

— Таъкидлаш жоизки, мазкур конференция уй-жой қурилиши соҳасида фаолият юритаётган йирик компаниялар ва мутахассисларнинг халқаро форумига айланди. У дунё миқёсида катта қизиқишга сабаб бўлаётган "ўзбек модели", шу асосда иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси билан яқиндан танишиш имконини берди.

Президентингизнинг чуқур таҳлилга асосланган нутқини тинглаб, Ислом Каримов ҳақиқий етакчи, кучли иқтисодчи эканига яна бир карра амин бўлдим. Жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишга тўсиқ бўлаётган омиллар, уларнинг оқибатлари ҳақидаги фикрлари, уй-жой қурилиши борасида аксарият давлатларнинг тарихий тажрибасига оид ҳаётий мисоллари иштирокчиларни мулоҳазага чорлагани аниқ.

Маълумки, қурилиш соҳасида ҳар қандай лойиҳа пухта-пишиқ бўлиши лозим. Бунда мутлақо юзаки ёндашиб бўлмайди. Аммо, билдикки, илгарилари юртингиз қишлоқларида уй-жойлар бош режаларсиз, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, шунингдек, халқнинг миллий анъаналари инобатга олинмаган ҳолда қурилган экан. Боз устига, туражойларни барпо этишда қўлбола қурилиш материалларидан фойдаланилгани ҳам ўша вақтларда инсон тақдирига беписанд муносабатда бўлинганини англатади. Мамлакатингиз раҳбарияти ана шу муаммоларни бартараф этишда барча жиҳатларни эътиборга олгани диққатга сазовордир. Яъни туражой қурилиши бўйича ҳуқуқий асослар мустаҳкамлангани, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиш ихтисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юклангани, дастурда тижорат банклари фаол иштирок этаётгани, уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш борасидаги ҳамма ишлар ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси зиммасига юклатилгани кўзда тутилган вазифаларнинг тўлақонли, сифатли бажарилишига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бундай бунёдкорликлардан халқ миннатдор, кайфияти чоғ. Янги уй-жойлардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, унинг эгалари билан суҳбатлашгач, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

**Коичи ЯМАШИТА, Япония ердан фойдаланиш, инфратузилмалар, транспорт ва туризм вазирлиги уй-жой қурилиши бюроси қурилиш ишлари технологияси бўйича сиёсат таҳлили бўлими директори:**

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар тараққиёт суръатларини барқарор сақлаб қолиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш имконини бераяпти. Бунга давлатингиз раҳбарининг халқаро конференциядаги нутқини диққат билан тинглаб, жойларда ўз кўзим билан кўриб, яна бир бор амин бўлдим.

Бу борадаги давлат дастурлари пухта ва мукаммал эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам ўз исботини топди. Хусусан, ана шундай мураккаб давр ҳисобланган охирги олти йилда Ўзбекистон иқтисодиётни изчил ривожлантириш, замонавий индустриал ва диверсификацион иқтисодиётни тараққий эттириш, айниқса, аҳоли ижтимоий фаровонлигини юксалтириш масаласига устувор эътибор қаратди. Пировардида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўртача 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ўз навбатида, аҳоли даромадлари кўпайиб, фуқароларнинг умр кўриши узайди. Социал соҳалар учун давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи йўналтирилмоқда. Бу борада қишлоқни ривожлантириш ва замонавийлаштириш, сўнгги андозалардаги уй-жой ва инфратузилмалар барпо этиш йўлида қилинаётган ишлар диққатга сазовор. Умуман комил ишонч билан айтаманки, қишлоқ тараққиёти Ўзбекистон миллий ривожланишининг мустаҳкам пойдеворидир.

**Савсан НОВЕИР, Версал архитектура олий мактаби профессори (Франция):**

— Юртингизга саккизинчи бор меҳмон бўлишим. Ҳар сафар келганимда янги-янги ўзгаришлар, бунёдкорликлар устидан чиқаман. Бундай модернизациялаш жараёнлари кишига катта завқ ва илҳом бағишлайди. Узоқ йиллардан буён Тошкент архитектура ва қурилиш институти билан ҳамкорлик қилиб келамиз. Шу давр ичида тараққиётнинг "ўзбек модели" мазмун-моҳияти ва унинг амалий самаралари билан яқиндан танишман.

Масалан, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш борасидаги тажрибасидан жаҳоннинг бошқа давлатлари ўрнак олса арзийди. Бу борада ҳаётга жорий этилаётган чора-тадбирлар ўзининг ёрқин самараларини бераётганини жойларга сафар уюштирганимизда, шоҳиди бўлдик. Замонавий уй-жойларда маза қилиб яшаш, юксак ғамхўрликка муносиб бўлиб, фидокорона меҳнат қилиш керак, деган фикр ўтди хаёлимдан. Уларда электр энергиясидан тортиб газ дейсизми, ичимлик суви ва бошқа санитар-маиший шарт-шароитлар дейсизми, савдо дўконларию нонвойхона, бозорлар — буларнинг барчаси аҳоли учун аъло даражада муҳайё қилинган. Замонавий уйлар ҳамда моддий-техник базаси мустаҳкам инфратузилма объектларини ўзида мужассамлаштирган массивлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани янада эътиборлидир. Бу йил қишлоқ жойларда якка тартибдаги янги уй-жойлар қуришни 10 мингтага етказиш режалаштирилгани, бунинг учун учун 1 триллион 400 миллиард сўм маблағ ажратилганидан бохабарман. Бу нафақат соҳадаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, пудрат ташкилотлари сонини кўпайтириш, энг муҳими, қишлоққа янги давр нафаси ҳамда атмосферасини янада кенг олиб кириш, у ерда яшовчи одамларга шаҳардан қолишмайдиган шароитлар яратиб беришда айни муддаодир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги нуфузли халқаро конференцияга ҳар томонлама муносиб мезбонлик қилди. У юқори ташкилотчилик ва юксак савияда ўтди. Бунинг учун ташкилотчиларга катта миннатдорлик билдираман.

**Александр СЕФРЕ ЗАНД, Буюк Британиянинг «Sefre Architects Research Group» компанияси бош ижрочи директори, Британия архитекторлари қироллик институти аъзоси:**

— Аввало, Ўзбекистондек бетакрор, барқарор тараққиёт, гўзал ва обод турмуш яратилган, меҳмондўст диёрда меҳмон бўлганимдан жуда мамнунман.

Айниқса, қишлоқларингиз қиёфаси, одамлари, табиати менда катта таассурот қолдирди. Қурилиш соҳаси мутахассиси бўлганим учун, намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар сифатига эътибор қаратдим. Улар замонавийлиги, дизайни, атроф-муҳитга безарарлиги, қулайлиги, миллий қадриятларга мослиги билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўз навбатида, массивларда аҳоли учун барча қулайликлар — боғча, мактаб, коллеж, ҚВП ва коммунал тармоқлар параллел тарзда бунёд этилган. Янги уй-жойларнинг аҳолига узоқ муддатли ипотека кредитлари асосида берилиши қишлоқларда хусусий мулкдорлар, ижтимоий соҳа ходимлари, яъни ўрта синф вакиллари мавқеини ошириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими, кичик бизнесни янада ривожлантириш, аҳоли қатламларининг социал муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилаяпти.

**Чо ХЮН ТЭ, Жанубий Кореянинг ер ва уй-жой корпорацияси "Янги шаҳар" лойиҳаси директори:**

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференция очилиш маросимидаги нутқи менда катта таассурот қолдирди.

Бугунги глобаллашув жараёни, молиявий-иқтисодий рецессия асоратлари ҳамон сезилаётган шароитларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини барқарор таъминлаш, қишлоқ аҳолиси ҳаёти фаровонлигини ошириш тобора қийинлашиб бораётгани бор гап. Давлатингиз раҳбари томонидан тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шундай мураккаб даврда ҳам ривожланиш поғоналарини кўпайтириш, аҳоли ҳаёти сифатини ошириш имкониятини бераётгани ҳавас қилишга арзийди. Бунга юртингиз қишлоқ жойларининг бугунги ҳусни-жамолини кўриб, у ерда дориламон ҳаёт кечираётган одамлар билан бевосита мулоқотда бўлганлар яна бир бор ишонч ҳосил қилиши, шубҳасиз. Мен ҳам шу каби обод хонадонларнинг бахтиёр соҳиб ва соҳибалари билан суҳбат қурганимдан, уларнинг тўкин дастурхони атрофида меҳмон бўлганимдан жуда хурсандман. Юртингизда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши лойиҳаси изчил давом эттирилаётгани эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланган қурилиш индустрияси, хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, олий ва касб-ҳунар таълими масканлари битирувчилари бандлигини мустаҳкамлашда салмоқли роль ўйнамоқда. Бундай комплекс ёндашув, албатта, мамлакат келажагининг янада ёруғ, равнақи сарбаланд бўлишига хизмат қилади.

***Шавкат ОРТИҚОВ, Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.***

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Аввал хабар қилинганидек, мамлакатимизнинг иккита ҳудуди — Самарқанд ва Бухоро вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ишлаб чиқилган лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказиш тартиби ҳамда шартларини белгилаб берган Фармойишини амалга оширишга киришилди. Ушбу синов йил бўйи давом этади. Эътиборли жиҳати, мазкур янгилик кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни таҳририятимизга келаётган хатлар, мурожаатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.*

# АҲОЛИ ВА ҲОКИМИЯТ ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ

### ҳуқуқий тажриба доирасида янада кучаяди

**С. АҲМЕДОВА, "Сабр" ижтимоий-иқтисодий маркази ННТ вакили:**

— Ҳуқуқий тажриба ўтказилишининг ўзиёқ демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан изчил ва қатъий бораётган Ўзбекистонда халқимиз ҳаёти, умуман, мамлакатимиз фаровонлигини янада ошириш бўйича ҳамжиҳатликда қарорлар қабул қилиш жараёни тобора кучайиб бораётганини кўрсатмоқда. Назаримда, бундай ёндашувнинг туб моҳияти халқимиз менталитетига бориб тақалади. Чунки бизда ўта долзарб қарорларни биргаликда, ўзаро кенгашиб қабул қилиш анъанаси шаклланган. Самарқандда бўлиб ўтган Ишчи комиссиянинг сайёр мажлисида иштирок этиб, шуни айтишим мумкинки, ҳуқуқий тажриба жамиятимиз учун ўзига хос семинар-тренинг сифатидаги фойдали тажриба мактаби бўлишига ишончим комил. Зеро, мазкур жараёнда биз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан қонун доирасида манфаатли мулоқот қилишни ўрганамиз. Бизда нафақат ушбу қонун лойиҳасида белгилаб қўйилган ҳуқуқий нормаларни чуқур англаб етиш ва тушуниш, балки уни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир таклифларимизни билдиришга замин яратилади. Бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланганини ҳамда унинг институтлари роли йилдан-йилга ошиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Шу боис унинг аҳамияти беқиёс.

**М. ҚУДРАТОВА, Самарқанд давлат университети доценти:**

— Ҳуқуқий тажрибанинг ўтказилиши жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳамда уларнинг фуқаролар ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларига тааллуқли қарорлари ҳақида хабардор қилиш бўйича мавжуд амалиётни янада яхшилашга хизмат қилади. Қолаверса, қонун муаллифлик ва интеллектуал ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш кафолатлари ва механизмларини кучайтиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантиради.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг синови оммавий ахборот воситаларига ишончли ва холис маълумотлардан фойдаланган ҳолда аҳолини хабардор қилиш имкониятини кенгайтиради, айни пайтда журналистларнинг жавобгарлиги ва масъулиятини янада оширади. Мазкур амалиёт ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда давлатимиз учун янги бўлган шакл ва усулларни ҳаётга жорий этишни жадаллаштиради.

Шу билан бирга, ҳуқуқий тажриба доирасида одамлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, фуқаролар, жумладан, расмий идоралар томонидан қабул қилинаётган маҳаллий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида тезкор ҳамда ишончли ахборот олиш имкониятининг даражаси ва мазмунига ўзлари бевосита воқиф бўлиб, баҳо беришлари мумкин. Зарур бўлганда, жойларда ушбу тартибларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритишади.

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ — ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан қатор ишлар амалга оширилаётир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда 43 минг нафардан ортиқ аёл иш билан таъминланган. Қарийб 5 минг хотин-қиз мутахассислиги бўйича қайта ўқитилиб, ишга жалб этилган. 14 минг нафардан зиёд аёл "Устоз — шогирд" йўналиши бўйича меҳнат фаолиятини олиб бормоқда.

Қўмита томонидан таълим масканлари, маҳаллалар ва оилалардаги маънавий муҳит ўрганилмоқда. Катта ҳаёт тажрибасига эга ва обрў-эътиборли онахонлар, шифокорлар, оқсоқоллар, ота-оналар билан ҳамкорликда қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аёлларнинг ўз саломатлигига масъулиятини ошириш мақсадида тиббий текширувлар кўлами янада кенгаймоқда. Ҳар бир ўқув даргоҳи ва маҳаллада "Ораста қизлар" тўгараги фаолияти йўлга қўйилган. Буларнинг барчаси қизларни турмушга ҳар томонлама тайёрлашда муҳим омил бўлаётир.

Йиғилишда қўмитанинг эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, аёллар бандлигини таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, хотин-қизлар соғлиғини сақлаш борасидаги ишлари батафсил муҳокама қилинди. Бу борада маҳалла оқсоқоли маслаҳатчиларининг масъулиятини янада ошириш лозимлиги таъкидланиб, турли ташкилот ва идоралар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

***Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.***

# КОЛЛЕЖ ВА КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

### ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Коллеж — корхона" ҳамкорлиги ҳақида сўз борса, Самарқанд автомобилсозлик коллежидаги амалий ишлар алоҳида тилга олинади. Мазкур ўқув муассасасида соҳага доир турли йўналишларда 732 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Коллеж битирувчилари Самарқанд автомобиль заводи, "MAN" автомобиль заводи, Самарқанд "Автотеххизмат" очиқ турдаги акциядорлик жамиятида, шунингдек, холодильник ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Sino" очиқ турдаги акциядорлик жамиятида амалиёт ўтаб, ўқишни битиргач, шу корхоналарнинг ишчиси бўлаётганлари ҳам "коллеж — корхона" ҳамкорлигининг самарасидан далолат беради. Биргина мисол. Ўтган йили ушбу даргоҳнинг 165 нафар битирувчиси номи тилга олинган корхоналарда амалиёт ўтагандан сўнг шу ерда ишга жойлашди.

— Коллеждан амалиётга келган ўқувчилар бепул тушлик, ишга бориб-келиш учун махсус автобус ва маълум миқдорда маош билан таъминланган, — дейди Самарқанд автомобилсозлик коллежининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари Қамаридин Ҳамроев. — Коллежимизда корхоналарнинг тажрибали мутахассислари ўқувчиларимиз учун маҳорат дарсларини ўтказишади. Бу, ўз навбатида, касбий кўникмаларни шакллантиришда қўл келмоқда.

***Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.***

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# «Sarkaritel» «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда мунтазам ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаётир".

"Иш ўринларини ташкил қилишда, биринчи навбатда, турли тармоқларни қамраб олган дастурларни амалга ошириш, корхоналарни модернизациялаш ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда", деб ёзилади "Sarkaritel" ахборот-таҳлил порталида.

Мақолада қайд этилишича, қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига янада кенгроқ жалб этиш, узумчилик, чорвачилик ҳамда ипакчилик сингари тармоқларни ривожлантириш ҳам аҳоли бандлигининг таъминланиши, даромадларининг юксалишига хизмат қилаяпти. "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида, муаллиф билдирганидек, "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида янгидан-янги корхоналарни барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган".

"Ушбу Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Ўзбекистон халқининг турмуш шароитини янада яхшилаш, фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашдек улуғ мақсад йўлидаги яна бир муҳим қадамдир", дея таъкидланади "Sarkaritel" ахборот-таҳлил порталида.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

# Дўстлик фестивали

*Қарши шаҳрида "Ўзбекистон — ягона Ватан" шиори остида дўстлик фестивали ўтказилди. Обод турмуш йилига бағишлаб Республика байналмилал маданият маркази ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги миллий маданият марказлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.*

## АНЖУМАН

Таъкидлаш керакки, айни пайтда Қашқадарё вилоятида 20 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Рус, корейс, араб, туркман, тожик, татар-бошқирд миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Фестиваль доирасида Қарши шаҳрида бунёд этилган "Дўстлик уйи"нинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шунингдек, тадбир давомида вилоятдаги миллий маданият марказлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи "Ўзбекистон – ягона Ватан" кўргазмаси ҳам уюштирилди.

Тадбир якунида турли миллат вакиллари ва миллий маданият марказлари ҳузуридаги фольклор-этнографик ансамбллар иштирокчилари томонидан тинчлик, дўстлик ва биродарликни тараннум қилувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

***Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.***

# Мустаҳкам алоқалар, амалий натижалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ишлаб чиқарувчилар эса шу ернинг ўзида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эришмоқда. Натижада ярмаркалар доирасида кўплаб қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ички бозор импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда. Буни Тошкент шаҳридаги 9400 дан зиёд саноат корхоналари фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— Корхонамиз иш бошлаган 2008 йилда 6 турдаги болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 60 хилдан ошди, — дейди "Rosti Rasti Baraka" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улуғбек Ҳакимов. — Ишлаб чиқаришга хорижнинг замонавий технологик линияларини жалб этиб, фаолиятимизни кенгайтиришимизда саноат ярмаркаси муҳим бозор механизмига айланди. Негаки, унда мунтазам қатнашиб, келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантиришдан ташқари, янги харидор ва ҳамкорлар топаяпмиз.

Дарҳақиқат, анъанавий тус олган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, саноат салоҳиятини юксалтиришга кенг йўл очиб берди. Пировардида Тошкент йирик саноат марказларидан бирига айланиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўшмоқда. 2012 йил якунларига кўра, республикамиз ялпи ички маҳсулотининг 14,7 фоизи, саноат маҳсулотларининг 21,1 фоизи, инвестицияларнинг 22,7 фоизи, ташқи савдо айланмасининг 49,8 фоизи ва экспортнинг 52,8 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келгани бунинг яққол далилидир.

Бу галги ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида эса 240 дан зиёд корхоналар иштирок этаяпти. Улар томонидан таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг аксарияти Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилгани, импорт ўрнини босувчи янги саноат товарлари эканлиги диққатга сазовор. Мобиль алоқа воситалари, музлаткичлар, кир ювиш машиналари, телевизорлар, чангюткичлар, спорт жиҳозлари, болалар ўйинчоқлари шулар жумласидандир.

— Ўтган йилдан бошлаб компаниямизда мобиль алоқа воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дейди "Artel" савдо белгиси остида маиший техникалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компания вакили Жамшид Ҳидоятов. — Жамоамиз йилига 500 мингта шундай телефон тайёрлаш қувватига эга. Айни пайтда ички талабдан келиб чиқиб, беш русумдаги алоқа воситалари тайёрланаяпти. Ярмарка давомида буюртмалар олишдан ташқари, мижозларнинг фикрларини ўрганаяпмиз. Бу янги моделларни яратишимизда қўл келади, албатта.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ҳудудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида келгуси йилда ишлаб чиқариш ўзлаштириладиган маҳсулотлар намуналари ҳам ўрин олган. Улар орасида замонавий русумдаги мотоцикл ва скутерлар, айниқса, иштирокчиларнинг қизиқишига сабаб бўлаётир. Ушбу йирик лойиҳа "Ўзпахтамаш" очиқ акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаяпти.

Мазкур жамият бош директори Бахтиёр Турсуновнинг айтишича, ихчам ва иқтисодий жиҳатдан тежамли бу транспорт воситаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун Жанубий Корея, Тайвань ҳамда Ҳиндистон компаниялари билан алоқалар ўрнатилди. Ҳамкорликда дастлаб уларнинг беш хил модели йиғилиб, 2014 йилда сотувга чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Қисқача айтганда, Тошкент шаҳар ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида саноатнинг барча тармоқлари қамраб олинган бўлиб, корхоналарнинг деярли ҳар бирида шу каби янги лойиҳаларга қўл урилгани қувонарли ҳолдир.

***Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРНЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР, ҚЎШМА ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

# МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**2012/2013 ўқув йилида университетни битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида «Ёш мутахассислар — 2013» тадбирини апрель-май ойларида ўтказишини эълон қилади.**



**Ушбу тадбир орқали университетда назарий-амалий билимларни мукаммал эгаллаган, замонавий техника ва технологиялар ёрдамида иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қиладиган юқори малакали ёш мутахассислар билан ўзаро мулоқот қилишингиз мумкин. Сизнинг ташкилот ва корхоналарингиз ривожига ёш мутахассисларнинг улкан ҳисса қўшишларига университет раҳбарияти ишонади.**

**Маълумот учун телефон: (8-371) 246-62-15. Факс: (8-371) 246-83-43.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети. www.nuu.uz marketing@nuu.uz marketing_nuuz@mail.uz**

## 2012/2013 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот

### БАКАЛАВРИАТ

| Т/р | Таълим коди | Таълим йўналишлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вил. | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент ш. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5141500 | Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари | 50 | | 2 | 3 | 3 | 1 | 3 | 6 | 5 | 6 | 3 | 1 | 1 | 9 | 7 |
| 2. | 5210200 | Санъатшунослик | 22 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | | 1 | | | 4 | 9 |
| | 5220100 | Лингвистика (тиллар бўйича) | | | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | 5220100 | Инглиз тили | 40 | 1 | 1 | 2 | 3 | 1 | 3 | 2 | 1 | | 7 | 2 | | 4 | 13 |
| 4. | 5220100 | Немис тили | 21 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | | 2 | 1 | | 6 | 4 |
| 5. | 5220100 | Француз тили | 25 | 2 | | 5 | 1 | 3 | | 5 | | | 1 | | 1 | 3 | 4 |
| 6. | 5220100 | Рус тили | 38 | 2 | 2 | 1 | 3 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 5 | 1 | 3 | 5 | 9 |
| 7. | 5220100 | Хитой тили | 25 | | | 1 | | 1 | 1 | 2 | | 2 | 2 | | 1 | 3 | 12 |
| 8. | 5220100 | Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати | 25 | | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 4 | 1 | 1 | | 1 | 8 | 3 |
| 9. | 5220108 | Ўзбек тили | 82 | | 6 | 5 | 2 | 2 | 2 | 9 | 7 | 2 | 2 | 1 | 5 | 33 | 6 |
| 10. | 5220200 | Тарих | 89 | 3 | 1 | 3 | 3 | 2 | 4 | 4 | 4 | 2 | 8 | 2 | 6 | 17 | 30 |
| 11. | 5220300 | Фалсафа | 40 | | 2 | 2 | 4 | 1 | 3 | 1 | 3 | 1 | 4 | 1 | 2 | 5 | 11 |
| 12. | 5220800 | Археология | 15 | | | | 2 | | 3 | 2 | 3 | | 1 | | | 4 | |
| 13. | 5310100 | Сиёсатшунослик | 27 | | 3 | | 2 | 1 | 3 | | | | 3 | 1 | 3 | 3 | 8 |
| 14. | 5310200 | Психология | 55 | | 3 | | | 1 | | | 5 | 2 | 4 | 1 | 2 | 5 | 32 |
| 15. | 5310300 | Социология | 19 | | 1 | | 1 | 2 | 1 | | | | 5 | 2 | | 4 | 3 |
| 16. | 5320100 | Журналистика | 80 | 2 | 3 | 4 | 6 | 3 | 2 | 3 | 4 | 2 | 5 | 2 | 2 | 17 | 25 |
| 17. | 5320300 | Архившунослик | 20 | | 1 | | | 1 | 1 | 4 | 2 | 1 | 1 | | | 3 | 6 |
| 18. | 5340100 | Иқтисодиёт | 78 | 2 | 2 | 1 | 7 | 3 | 2 | 4 | 6 | 2 | 9 | 1 | 2 | 5 | 32 |
| 19. | 5340400 | Бизнесни бошқариш | 23 | 2 | 1 | 1 | 1 | | | | 1 | 2 | 3 | | | 1 | 11 |
| 20. | 5380100 | Юриспруденция | 67 | | 5 | 2 | 6 | 3 | | 3 | 6 | 1 | 5 | 2 | 3 | 6 | 25 |
| 21. | 5420100 | Биология | 124 | 4 | 2 | 7 | 2 | 2 | 2 | 7 | 13 | 1 | 16 | 2 | 7 | 20 | 39 |
| 22. | 5420200 | Биоинформатика | 24 | | | 2 | 2 | 1 | | | 8 | | 3 | | | 2 | 6 |
| 25. | 5420500 | Ихтиология | 39 | | | 1 | | 1 | | 1 | 2 | 1 | 6 | | 2 | 5 | 20 |
| 27. | 5440100 | Физика | 81 | 3 | 2 | 1 | 2 | 1 | 1 | 4 | 9 | 3 | 14 | 1 | 7 | 18 | 15 |
| 28. | 5440200 | Механика | 28 | 1 | 2 | 2 | 2 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | | 6 | 3 | 6 |
| 29. | 5440300 | Астрономия | 17 | 1 | | | | 2 | | 1 | 3 | | 2 | | | 3 | 5 |
| 30. | 5440400 | Кимё | 76 | 2 | 3 | 6 | 3 | 5 | 5 | 8 | 5 | 1 | 8 | 1 | 2 | 21 | 6 |
| 31. | 5440500 | География | 44 | | 1 | 1 | 2 | 1 | | 3 | 4 | 1 | 12 | 2 | 3 | 5 | 9 |
| 32. | 5440600 | Гидрометеорология | 38 | | | 1 | 2 | 2 | | 4 | 4 | 2 | 8 | 1 | 1 | | 13 |
| 33. | 5440700 | Геология | 28 | | 1 | 2 | 1 | | 1 | | 5 | | 4 | 1 | 2 | 6 | 5 |
| 34. | 5441000 | Геофизика | 24 | | 2 | 8 | 1 | 1 | | 1 | | 2 | | | 1 | 4 | 4 |
| 35. | 5441200 | Геокимё | 24 | | 1 | 2 | 1 | 3 | 1 | 2 | 2 | 1 | | | | 9 | 2 |
| 36. | 5441700 | Гидрогеология | 23 | | 1 | 1 | 1 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | | 9 | 3 |
| 37. | 5460100 | Математика | 56 | 1 | 2 | 7 | 2 | 2 | 3 | 4 | 5 | | 4 | 1 | 8 | 10 | 7 |
| 38. | 5480100 | Амалий математика ва информатика | 52 | 2 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 2 | 6 | 1 | 6 | 1 | 7 | 11 | 10 |
| 40. | 5540100 | Геодезия ва картография | 77 | | 5 | | 3 | 1 | 2 | 4 | 8 | 2 | 15 | 1 | 2 | 9 | 25 |
| 41. | 5620100 | Агрокимё ва агротупроқшунослик | 24 | | | 1 | 1 | 1 | | | 2 | 1 | 3 | | 4 | 8 | 3 |
| 42. | 5850200 | Экология | 21 | | | | | | | | 1 | | 3 | | 2 | 7 | 8 |
| | | **Жами** | **1738** | **30** | **62** | **81** | **81** | **56** | **52** | **99** | **145** | **45** | **192** | **33** | **92** | **313** | **457** |

### МАГИСТРАТУРА

| Т/р | | Таълим мутахассисликлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вил. | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент ш. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5А111601 | Маънавият асослари | 9 | 1 | | 2 | | | | | | | 2 | 2 | 1 | 1 | |
| | 5А120101 | Адабиётшунослик: | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | Рус адабиёти | 5 | | 1 | | | | 2 | | | | 1 | | | | 1 |
| 3. | | Ўзбек адабиёти | 9 | 1 | | | | 1 | | | | | 2 | | | 2 | 3 |
| 4. | 5А120101 | Адабий манбашунослик ва матншунослик | 10 | | | | | | | | | | | | 1 | 7 | 2 |
| | 5А220102 | Лингвистика (тиллар бўйича): | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | | Ўзбек тили | 8 | | | | | | | 1 | 2 | | | 1 | | | 4 |
| 6. | | Инглиз тили | 10 | | | | 1 | | | | | 1 | | 1 | | | 7 |
| 7. | 5А120201 | Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) | 8 | | | | | 1 | | | | | | 1 | | 1 | 5 |
| 8. | 5А120301 | Ўзбекистон тарихи | 7 | | | | 1 | | 1 | 1 | | | 2 | | 1 | 1 | |
| 9. | 5А120302 | Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича) | 6 | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | | |
| 10. | 5А120303 | Давлат бошқаруви ва ҳудудий ўз-ўзини бошқарув (фаолият тури бўйича) | 6 | | | | | | | | 1 | | 1 | | 1 | 2 | 1 |
| 11. | 5А120304 | Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот методлари | 6 | | | 1 | | 1 | | | | 1 | 2 | | | 1 | |
| 12. | 5А120401 | Археология | 6 | 1 | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | | 2 | |
| 13. | 5А120402 | Этнология, ижтимоий (маданий) антропология | 7 | | | | 1 | | | 1 | | 2 | | | | 2 | 1 |
| 14. | 5А120501 | Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича) | 10 | | | | 1 | | | | 1 | | 1 | 1 | 1 | 4 | 1 |
| 15. | 5А120502 | Фалсафа (қўллаш соҳаси) | 7 | | | | 2 | | | | | 1 | | 2 | | 1 | 1 |
| 16. | 5А120503 | Этика ва эстетика | 6 | | | | 1 | 1 | | 2 | | | | | 1 | 1 | |
| 17. | 5А130101 | Математика (йўналишлар бўйича) | 30 | 3 | | 6 | | | 2 | 2 | 2 | 1 | 2 | 1 | 3 | | 8 |
| 18. | 5А130102 | Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика | 8 | | | | | 1 | | | 1 | | | | | 2 | 4 |
| 19. | 5А130103 | Математик физика | 5 | 1 | | | | | 2 | | | 1 | | | 1 | | |
| 20. | 5А130202 | Амалий математика ва ахборот технологиялари | 20 | 1 | 1 | 1 | | | | | 3 | | 2 | | 5 | | 7 |
| 21. | 5А140101 | Биология (фан йўналишлари бўйича) | 23 | | | | 3 | 2 | 3 | 1 | | 2 | 2 | | 1 | 3 | 6 |
| 22. | 5А140102 | Тиббий микробиология ва вирусология | 6 | | | | | | 1 | | 2 | | 1 | | | | 2 |
| 23. | 5А140103 | Ихтиология ва вирусология | 6 | | | 1 | | | 2 | | 1 | | 1 | | | | 1 |
| 24. | 5А140104 | Биотехнология | 6 | | | | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | 3 |
| 25. | 5А140105 | Биофизика | 6 | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | 4 |
| 26. | 5А140106 | Биокимё | 6 | | | | | | | | | | | | | 1 | 5 |
| 27. | 5А140107 | Генетика | 4 | | 1 | | 1 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 28. | 5А140201 | Назарий физика | 8 | | | | | 1 | | | 1 | | 1 | | 1 | 2 | 2 |
| 29. | 5А140202 | Физика (йўналишлар бўйича) | 17 | | 1 | 1 | | 1 | 2 | | | | 2 | 3 | 2 | 5 | |
| 30. | 5А140203 | Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш | 8 | 2 | | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | | 1 | 1 | |
| 31. | 5А140204 | Конденсацияланган муҳитлар физикаси ва материалшунослик (турлари бўйича) | 15 | 3 | | | | 3 | 1 | 1 | 3 | | 2 | | | 1 | 1 |
| 32. | 5А140205 | Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси | 13 | 1 | | 1 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 1 | 4 |
| 33. | 5А140302 | Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси | 8 | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 3 | 2 |
| 34. | 5А140401 | Астрономия (тадқиқот йўналиши бўйича) | 11 | | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | 2 | 3 |
| 35. | 5А140501 | Кимё (фан йўналиши бўйича) | 33 | 1 | 1 | 5 | 5 | | 1 | 3 | 1 | | 3 | | 4 | 4 | 5 |
| 36. | 5А140503 | Нефть ва табиий газ кимёси | 9 | 1 | | 2 | 1 | | 1 | | | | 1 | 2 | | | 1 |
| 37. | 5А140701 | Метеорология ва иқлимшунослик (фаолият тури бўйича) | 3 | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 |
| 38. | 5А140702 | Гидрометеорология (фаолият тури бўйича) | 5 | 1 | | | | | | | | | | | | | 4 |
| 39. | 5А140804 | Минералогия, кристаллография, петрография | 5 | | | 1 | | | 1 | | | | 2 | | | | 1 |
| 40. | 5А140806 | Фойдали қазилма конларини қидириш ва геологик суратга олиш | 5 | | 1 | | | | | 1 | | | | | | 2 | 1 |
| 41. | 5А140901 | Геофизика | 6 | | | | | | | | | | 3 | 1 | | 1 | 1 |
| 42. | 5А141001 | Тупроқшунослик | 9 | | | 1 | 1 | 1 | | 1 | 2 | | 1 | | | 1 | 1 |
| 43. | 5А141002 | Экспериментал агрокимё | 7 | 1 | | | | | | | 2 | | | 1 | | 2 | 1 |
| 44. | 5А141102 | Гидрогеология (ўрганиш объекти бўйича) | 3 | | | | 1 | | | | | | | | | | 2 |
| 45. | 5А210201 | Психология (йўналишлар бўйича) | 22 | | 2 | 2 | 1 | 1 | | 2 | | | | | | 4 | 10 |
| 46. | 5А220101 | Журналистика (фаолият турлари) | 7 | 1 | | | 2 | | | | | | | 1 | | | 3 |
| 47. | 5А220101 | Олий журналистика курслари | 43 | 1 | 3 | 1 | 1 | 1 | 4 | 5 | 6 | 2 | 2 | 2 | 1 | 3 | 11 |
| 48. | 5А220103 | Телевидение ва радиоэшиттириш | 9 | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | | 1 | 5 |
| 49. | 5А220104 | Ноширлик иши ва таҳрир | 6 | | | 1 | | | | | | | | | | 2 | 3 |
| 50. | 5А220202 | Ахборот хизматлари технологиялари | 7 | | | | 1 | | | | | 1 | | | | | 5 |
| 51. | 5А230102 | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 10 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | 7 |
| 52. | 5А230103 | Макроиқтисодиёт | 9 | | | 1 | | | | | 1 | | | | 1 | | 6 |
| 53. | 5А230110 | Меҳнат иқтисодиёти | 11 | | 1 | | | | | 1 | 2 | | 1 | | | | 6 |
| 54. | 5А240101 | Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви (соҳалар бўйича) | 10 | | 2 | | | 1 | 1 | 2 | | | | | 1 | | 3 |
| 55. | 5А240102 | Хўжалик ҳуқуқи (соҳалар бўйича) | 14 | | | | | | 1 | 1 | | | | 1 | | 2 | 9 |
| 56. | 5А240103 | Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ | 10 | | 1 | | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | 6 |
| 57. | 5А311502 | Геодезия ва картография | 15 | | 1 | 2 | 1 | | 2 | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | 5 |
| 58. | 5А311703 | Фойдали қазилма конларини қидириш ва хариталаш усуллари | 2 | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 |
| 59. | 5А330201 | Компьютер тизимлари ва тармоқларининг дастурий таъминоти | 6 | | | | | 1 | | | | | | | 2 | 1 | 2 |
| 60. | 5А630102 | Экология (тармоқлар бўйича) | 5 | 1 | | | | 1 | | | | 1 | 1 | | | | 1 |
| | | **Жами** | **591** | **22** | **19** | **31** | **29** | **19** | **33** | **31** | **37** | **16** | **44** | **24** | **34** | **73** | **179** |

595R/1263/414/317/330

# Ўзбекистондан муносиб совға

*Яқинда Шанхай хорижий мамлакатлар билан дўстлик ассоциацияси томонидан Шанхай кутубхонасига Ўзбекистон тарихи ва маданияти ҳақида атрофлича маълумот берадиган ўттизга яқин китоблар тўпламини топшириш маросими ўтказилди. Кутубхонага мазкур китобларни "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси тақдим этди.*

## ТАҚДИМОТ

Республикамизга оид китоблар орасида тўрт юздан ортиқ тарихий ва замонавий бадиий суратларни ўз ичига олган "Тошкент: бир шаҳар тарихи" деб номланган нашр алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, мазкур тўпламдан академик Эдвард Ртвеладзенинг Ўрта Осиё ҳудуди маданиятларининг тарихи, ўзаро алоқалари ҳақида ҳикоя қилувчи "Марказий Осиё цивилизациялари, давлатлари ва маданиятлари" китоби, араб, ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида чоп этилган, Ўзбекистон меъморий ёдгорликларидаги хаттотлик ёзувларининг энг яхши намуналари фотосуратлари билан безатилган "Ўзбекистон қадимий меъморий ёзувлари дурдоналари" альбоми, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний сингари жаҳон илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи "Хоразм Маъмун академияси" энциклопедияси ва бошқа асарлар жой олган.

> Мамлакатимизнинг кўҳна маданияти ҳамда анъаналарини, юртимиз замонавий қиёфасини акс эттирган "Форум жамғармаси Ўзбекистонни намойиш этади" номли фотоальбом ҳам тадбир қатнашчиларида алоҳида таассурот қолдирди.

Шанхай кутубхонасида ўтказилган "Ўзбекистон таниқли рассомларининг замонавий асарлари" номли кўргазмада "Ўзбекистон амалий санъати. Қадриятлар изчиллиги" рангли нашри, шу билан бирга, машҳур ўзбек рассомининг Шанхайда кўп марта намойиш қилинган асарларининг кўчирма нусхаларини ўзида жамлаган "Акмал Нур. Санъат асарлари" тўплами ҳам тадбир қатнашчиларининг эътиборини тортди.

**Шанхай кутубхонаси директори Ву Цзянжон** тақдим этилган ушбу ҳадя учун чуқур миннатдорлик билдирар экан, китоблар тўплами ўзбек халқининг бой маданий ва тарихий меросини янада кенг тарғиб қилинишига ҳамда Хитой жамоатчилигини Шанхайнинг биродар шаҳри — Тошкент билан яқиндан таништиришга қўшимча имконият яратишини таъкидлади.

Ву Цзянжоннинг айтишича, қабул қилиб олинган мазкур асарлар кутубхонанинг хорижий адабиётлар бўлимида, алоҳида ойнаванд пештахтага жойлаштирилади. Китобхонлар уларнинг электрон кўринишдаги нусхаларидан ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

## 22 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО ЕРНИ МУҲОФАЗАЛАШ КУНИ

*Она заминимиз гўзалликларга бой. Унинг ҳар бир неъмати биз учун азиз ва қадрли. Шу маънода, уларни асраб-авайлаш, нест-нобуд қилмасдан, келажак авлодга етказиш барчамизнинг бурчимиздир. Инсониятнинг бугунги турмушию келгуси фаолиятида бунинг аҳамияти ниҳоятда катта.*

# ҲАР ҚАРИЧИ ҚАДРЛИ



1992 йилнинг июль ойида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган "Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш" мавзуидаги халқаро конференция "Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашув" дея баҳолангани ҳам бежиз эмас. Чунки унда инсоният фаолиятининг атроф-муҳитга бўлган таъсири, экологиянинг глобал даражада ёмонлашуви, ер ва унинг ресурсларини муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, пировардида 22 апрелни "Халқаро ерни муҳофазалаш куни" сифатида нишонлаш белгиланган эди.

Дарҳақиқат, олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, заминимиз бағрида 4 мингга яқин минерал ресурслар мавжуд. Бундан ташқари, ҳозирги кунда дунё бўйича 1,4 миллиард гектар ерда деҳқончилик қилинади. Аммо унинг 1 миллиард гектардан зиёди экин экиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган, 4,4 миллиард гектар майдон эса чўл, ярим чўл ва музликлардан иборат. Қолаверса, маданий ерларнинг қарийб 50 фоизида ҳосилдорлик ҳам пасайиб бормоқда. Буларнинг бари ер билан боғлиқ экологик муаммоларни ҳал қилишда янгича ёндашувларга таянишни талаб этаётир.

Мутахассисларнинг фикрича, ернинг зироат учун нобоп ҳолга келиши ва тупроқ унумдорлиги пасайишига, асосан, минераллашган сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида юзага келаётган шўрланиш, эрозияга қарши тадбирлар тўлиқ амалга оширилмаслиги, органик ва минерал ўғитлар қўллашда меъёрга риоя қилмаслик каби омиллар сабаб бўлмоқда. Бу борада заминнинг турли саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши, чиқиндиларни сақлаш, утилизация қилиш, ташиш қоидаларининг бузилиши, кимёвий препаратлардан ортиқча фойдаланиш ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис эндиликда ҳар бир мамлакатда атроф-муҳит, шу жумладан, ерни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ер ва ер ресурсларидан фойдаланиш жараёни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаб қўйилган: Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинган.

Маълумки, ҳозирги кунда республикамизда суғориладиган ерлар 4,31 миллион гектарни ёки умумий майдоннинг 9,7 фоизини ташкил этиб, унда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тўқсон фоизи етиштирилади. Бироқ суғориладиган ерларнинг қарийб ярми турли даражада шўрланган.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Негаки, мазкур ҳужжатга биноан, қишлоқ хўжалигида самарадорликни янада ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Айниқса, биргина "Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компаниясининг ташкил этилиши билан сув хўжалиги қурилиши, эксплуатация ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан шуғулланувчи корхоналарга мелиорация тадбирлари учун зарур бўлган техникаларни лизинг асосида бериш йўлга қўйилгани айни муддао бўлаётир. Бу ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини ошириш орқали аҳоли даромадларини кўпайтириш, дастурхонимиз тўкин-сочинлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

## Ҳамюртимиз Осиё чемпиони

*Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида давом этаётган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Элмурод Тасмуродов (60 кг.) олтин медални қўлга киритди.*

### ХУШХАБАР

Нуфузли мусобақанинг юнон-рум кураши беллашувларида иштирок этган спортчимиз ҳал қилувчи баҳсда эронлик Абдулмуҳаммад Папийни мағлубиятга учратди.

Элмурод Тасмуродов 2008 йили ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ҳам ғолиб чиққан эди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## «БИЗ — БИР ЖАМОА, БИЗ — БИР ОИЛАМИЗ»

*Наманган вилоятида "Биз — бир жамоа, биз бир оиламиз" номли ёшлар акцияси ўтказилди. Ёрқин учрашув, мулоқот ҳамда беллашувлар ўрин олган ушбу тадбирда минглаб ўғил-қизлар қатнашди.*

# Фаол ёшлар акцияси

Интилувчан талабалар иштирокидаги "Дилемма" мунозаралар клуби энг иқтидорлиларни аниқлаб берган бўлса, Наманган давлат университети мезбонлик қилган хорижий тиллар бўйича тренинг ноанъанавийлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортди. Акция доирасида, шунингдек, "Ахборот технологиялари мактаби" тақдимоти ҳам ўтказилди. Мазкур тадбир чоғида замонавий коммуникация технологиялари йўналишидаги бепул ўқув мактабларига бир гуруҳ ёшлар саралаunion, қабул қилинди.

— Бу йилги акцияда интернет журналистикаси бўйича тренинг машғулотлари жуда қизиқарли ўтди, — дейди Наманган давлат университети талабаси Холида Абдуллаева. — Унда ахборот жанри, унинг янги қирралари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик. Бу менинг "Келажак пресс" ёшлар матбуот марказидаги фаолиятимда асқотиши шубҳасиз.

Акция доирасидаги "Ҳаёт учун!" хайрия марафонида уч минг нафарга яқин ёшлар тўпланди. Иштирокчилар 3 километрлик масофага югуриш бўйича беллашдилар. Шундан сўнг Косонсой тумани марказидаги стадионда "Ҳаёт учун!" хайрия футбол ўйини бошланди. Ўйиндан сўнг миллий эстрада хонандаларининг гала-концерти намойиш этилди.

* * *

"Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз" акцияси Андижон ҳамда Қашқадарё вилоятларида ҳам юксак савияда ўтказилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Касби борнинг бахти бор

*Андижон шаҳридаги Нодирабегим номли ёшлар боғида "Қиз боланинг касби — унинг бахти" шиори остида фестиваль бўлиб ўтди. Тадбирда қизлар турли йўналишларда ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.*

ТАНЛОВ

Якунда Андижон шаҳридаги 17-мактаб ўқувчиси Умидахон Низомова моҳир пазанда, дея эътироф этилган бўлса, пахтаободлик Исмигул Аҳмаджонованинг чизган расмлари барчанинг эътиборини тортди. Андижондаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг Марғуба Мадаминова раҳбарлигидаги кўп овозли чолғу созлари оркестри эса "Наврўз садолари" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

*Вазирлик, идора, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эътиборига!*

**«Ўзметкомбинат» ОАЖ**
**КИСЛОРОД–КОМПРЕССОР ЦЕХИ**
**газсимон ва суюқ аргон (ГОСТ 10157-79) ишлаб чиқаради ва сотади.**

Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.
Мурожаат учун телефон: (8-370 91) 3-43-81.
E-mail: kkc@uzbeksteel.uz
Манзил: Тошкент вилояти, 110502, Бекобод шаҳри, Ш. Айтметов кўчаси, 1-уй.





621A/210

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ЖИБ судининг 2011 йил 8 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган, «Аркони Зафар» МЧЖга тегишли, Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ кўчасида жойлашган, умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари сони 10 та, умумий йўлаклари сони 2 та, битта ёрдамчи хона, битта ҳожатхона, битта ошхонаси мавжуд бўлган кўчмас мулк такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич нархи — 368 113 560 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 8 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача. Ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

*Лицензия: № 0039.*

619R/505


Ижтимоий реклама


**2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!**

**2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти.
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда.
- Замонавий дизайндаги уйлар.
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга.
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга.
- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.





**Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади.
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади.
- Янги уйлар сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.





**Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти.
- Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити.
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари.
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди.
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.





**Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги.
- Бир йиллик сифат кафолати.
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.





**Марҳамат, мурожаат қилинг!**

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига.
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига.
- «Камолот» ЁИҲ бўлинмаларига.
- Хотин-қизлар қўмиталарига.
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, минибанкларига.
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй.
Тел.: (+998 71) 150-93-39.
Факс: (+998 71) 150-39-93.
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

54R/

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**
***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Бекобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 5 декабрдаги 24069-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Алишер Навоий ф.у., 1-бўлимда жойлашган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 226 238 092 сўм.***

**2.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 2 декабрдаги 12963-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Чамбил-2 манзилида жойлашган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 1 170 849 314 сўм.***

**3.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2012 йил 9 мартдаги 3883-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 20-уйда жойлашган кўчмас мулк — «Ўзбекистон» кинотеатри.

***Бошланғич баҳоси — 661 074 179,22 сўм.***

**4.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 18 февралдаги 11-1131/28588-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган омборхона иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 426 654 949,86 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 6 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99893) 577-22-12.**

*Лицензия: RR-0052.*

623A/380



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 822 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5